

ТЕРМИЗ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/31.01.2023.К/Т.78.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

БУХОРО МУҲАНДИСЛИК-ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ

НАРЗУЛЛАЕВА АЗИЗА МУРОДИЛЛАЕВНА

МАХАЛЛИЙ ХОМ АШЁЛАР АСОСИДА ПВХ УЧУН
САМАРАЛИ ОРГАНИК ҚЎШИМЧАЛАР ТЕХНОЛОГИЯСИНИ
ИШЛАБ ЧИҚИШ

02.00.14 – Органик моддалар ва улар асосидаги материаллар технологияси

ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

Термиз – 2023

**Техника фанлар бўйича фалсафа (PhD) доктори диссертацияси
автореферати мундарижаси**
**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
по техническим наукам**
**Contents of the dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)
on technical sciences**

Нарзуллаева Азиза Муродиллаевна

Махаллий хом ашёлар асосида ПВХ учун самарали органик
қўшимчалар технологиясини ишлаб чиқиш.....

Нарзуллаева Азиза Муродиллаевна

Разработка технологии производства эффективных органических
добавок для ПВХ на основе местных сырьевых
ресурсов.....

Narzullaeva Aziza Murodillaevna

Development of technology for the production of effective organic
additives for PVC based on local raw materials

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works.....

ТЕРМИЗ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/31.01.2023.К/Т.78.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

БУХОРО МУҲАНДИСЛИК-ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ

НАРЗУЛЛАЕВА АЗИЗА МУРОДИЛЛАЕВНА

МАХАЛЛИЙ ХОМ АШЁЛАР АСОСИДА ПВХ УЧУН
САМАРАЛИ ОРГАНИК ҚЎШИМЧАЛАР ТЕХНОЛОГИЯСИНИ
ИШЛАБ ЧИҚИШ

02.00.14 - Органик моддалар ва улар асосидаги материаллар технологияси

ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

Термиз – 2023

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2022.3.PhD/Т3031 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Бухоро муҳандислик-технология институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашининг веб-саҳифада (www.tersu.uz) ва «Ziyonet» Ахборот таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Каримов Масъуд Убайдулла ўғли
техника фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Тожиев Панжи Жовлиевич
техника фанлари доктори, доцент

Лутфуллаев Саъдулла Шукурович
техника фанлари номзоди, доцент

Етакчи ташкилот:

Навоий давлат кончилиқ ва технологиялар университети

Диссертация ҳимояси Термиз давлат университети ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.03/31.01.2023.К/Т.78.01 рақамли илмий кенгашининг 2023 йил «___» _____ соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 190111, Термиз шаҳри, Баркамол авлод кўчаси, 43-уй. Тел.: (+99876)221-74-55, факс: (+99876)221-71-17, e-mail: termizdu@umail.uz)

Диссертация билан Термиз давлат университети Ахборот ресурс марказида танишиш мумкин (___ рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 190111, Термиз шаҳри, Баркамол авлод кўчаси, 43-уй. Тел.: (+99876)221-74-55, факс: (+99876)221-71-17, e-mail: termizdu@umail.uz.

Диссертация автореферати 2023 йил «___» _____ кун тарқатилди.

(2023 йил «___» _____ даги №___ рақамли реестр баённомаси).

И.А. Умбаров

Илмий даража берувчи
илмий кенгаш раиси
т.ф.д., доц.

Ш.А. Касимов

Илмий даража берувчи
илмий кенгаш илмий котиби
к.ф.д., доц.

Р.В. Алиқулов

Илмий даража берувчи
илмий кенгаш қошидаги
илмий семинар раиси, к.ф.д., доцент

Кириш ((фалсафа доктори (PhD)диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Ҳозирги вақтда дунёда ишлаб чиқариладиган турли кимёвий тузилиш ва хоссаларга эга бўлган полимер (поливинилхлорид (ПВХ), синтетик каучуклар, полиамидлар, полиакрилатлар, полиуретанлар ва ҳ.к.) хом ашёлардан кенг турдаги қоплама материаллар ишлаб чиқарилади. Поливинилхлорид термопластик полимер бўлиб, унга турли қўшимчалар қўшиш натижасида муҳим физик-механик хоссаларга эга бўлган чидамли полимер материаллар олиш мумкин. Шунга кўра, поливинилхлоридга турли стабилизаторлар ва пластификаторларни қўшиб, жаҳон стандартлари талаблари даражасидаги юқори сифатли, арзон ва юқори эксплуатацион хусусиятли, юмшоқ ҳамда эластик қоплама полимер материаллар олиш муҳим аҳамият касб этади.

Бугунги кунда жаҳонда поливинилхлорид асосидаги полимер органик материаллар олиш учун экологик тоза қўшимчалар яратиш бўйича илмий тадқиқот ишлари олиб борилмоқда. Бу борада, муайян ишлаб чиқаришда экологик тоза табиий хомашёлардан фойдаланиш, поливинилхлорид асосидаги полимер органик материалларни ишлаб чиқаришда ишлатиладиган қўшимчаларни табиий хомашёлардан олиш, истеъмолчиларнинг тобора ортиб бораётган талабларига жавоб берадиган, юқори самарали, экологик тоза материалларни, хусусан, ўсимликлар хомашёлари асосидаги юқори сифатли пластификаторлар ва стабилизаторлар олишнинг ресурстежамкор технологияларини ишлаб чиқишга алоҳида эътибор берилмоқда.

Мамлакатимизда кимё саноатининг янги турдаги материаллар ишлаб чиқариш йўналишида муайян натижаларга эришилди, жумладан маҳаллий бозорни импорт ўрнини босувчи кимёвий реагентлар билан таъминлаш соҳасида кенг кўламли қатор тадбирлар амалга оширилмоқда. Таъкидлаш жоизки, Республикаимизда, инновацион технологияларни тадбиқ этиш орқали саноат объектларини юритишнинг илмий асосланган тизими ва атроф-муҳитни муҳофаза қилишнинг чора-тадбирларини амалга оширишга катта эътибор қаратилмоқда. Янги Ўзбекистоннинг 2022-2026 йиллардаги тараққиёт стратегиясида¹ иқтисодий ривожлантириш устувор йўналишлари белгиланган ҳамда маҳаллий хомашё ресурсларини чуқур қайта ишлаш асосида, юқори қўшимча қийматли тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришни янада жадаллаштириш, сифат жиҳатдан янги маҳсулот ва технология турларини ўзгартириш масалалари алоҳида белгилаб қўйилган. Бу борада, ПВХ материалларига экологик тоза қўшимчаларни, шу жумладан, маҳаллий иккиламчи полимер хомашёлари, ўсимлик хомашёлари ва маҳаллий нефт ва газ ишлаб чиқариш хомашёларидан фойдаланиш бўйича тадқиқотлар олиб бориш муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022-йил 28-январдаги “2022-2026-йилларда Янги Ўзбекистонни ривожлантириш стратегияси тўғрисида”ги ПФ-60-сон Фармони, Ўзбекистон Республикаси

¹Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сонли “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги Фармони

Президентининг 2021-йил 13-февралдаги “Кимё саноати корхоналарини янада ислоҳ қилиш ва молиявий такомиллаштириш, юқори кўшимча қийматга эга кимё маҳсулотлари ишлаб чиқаришни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4992-сонли Фармонида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018-йил 25-октябрдаги “Ўзбекистон Республикаси кимё саноатини жадал ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3983-сон Фармони, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019-йил 3-апрелдаги қарори, ПҚ-4265-сон “Кимё саноатини янада ислоҳ қилиш ва инвестицион жозибадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги, шу жумладан, ушбу соҳада тасдиқланган бошқа ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти натижалари муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг Республика фан ва техникасини ривожлантиришнинг асосий устувор йўналишларига мувофиқлиги. Мазкур тадқиқот Республика фан ва технологиялар ривожланишининг VII «Кимё технологиялари ва нанотехнологиялар» устувор йўналишларига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Турли хил хом ашёлардан поливинилхлорид асосида полимер органик материаллар олиш учун кўшимчалар ишлаб чиқаришга бағишланган илмий-тадқиқот ишлари В.С. Ашин, А.В. Марков, А.Ю. Александров, д.х.н. Е.Л. Красных, Р.В. Кожевников, д.т.н., профессор Е. В. Готлиб шунингдек, Килячков, Р.Ф. Нафиқова, В.В. Гузеев, К.С. Минскер, Қ Жоу, С. Танг, Й. З. Ванг, Б. Иван, Т. Келен, Ф. Гугумус, С. Дескер, А.А. Яссин, Ж. Випич, Р. П. Латтимер, В. Ж. Кроенке, В. Х. Старнес, Л. Д. Уескот, Д. В. Херли, В. Л. Семон, Е. В. Мишел, С. Вилкие, Ж. Суммерс, С. Даниелле, С.Н. Лакеев, Т.М. Абалихина, С.П. Сафронов, С.Н. Потепалова, А.А. Кругликов, А.К. Мазитова, Г. Трантер, И.М. Стееле ва Ҳ. Плутх, П. Бакер, Р.Ф. Гроссман, Барсамян Г., Галеев Р.Р., Маскова А.Р., Колюлов Х., А.Т. Джалилов, Э.М. Тогаев, Х.С. Бекназаров, З.З. Мирвалиев, шунингдек Б. Б. Мухиддинов, И.И. Фатоев, С.Ш. Лутфуллаев ва бошқа олимлар томонидан олиб борилган.

Илмий изланишлари натижасида ушбу олимлар томонидан, поливинилхлорид асосида полимер органик материалларнинг физик-механик хоссаларини яхшилаш учун поливинилхлорид таркибига кўшиладиган иккиламчи полимер маҳсулотлар асосида органик стабилизаторларни олиш муаммоси тўлиқ ўрганилмаган ва ҳозирги вақтда уни ҳал қилишни талаб қилади.

Ҳозирда, поливинилхлорид композицияларида қўлланиладиган захарли бўлмаган хусусиятларга эга кўшимчалар, уларни энергия тежовчи чиқиндисиз технологиялар асосида ишлаб чиқаришнинг мақбул технологик параметрларини аниқлаш бўйича илмий изланишлар олиб борилмоқда.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Бухоро муҳандислик-технология институти ва Тошкент кимё-технология илмий тадқиқот институти илмий тадқиқот ишлари режасининг

ФЗ-201908169 "Синтетик материаллардан плазмасорбция учун янги самарали наноғовакли углеродли сорбентлар ишлаб чиқиш ва биомослашувчанлигини баҳолаш технологиясини яратиш" (2018-2022), А-БТ-2021-17 "JARQURGONNEFT-QAYTAISHLASH" ҚҚда ишлаб чиқариладиган "JNQ Печ ёқилғиси" (Tsh 19432593-001:2014) маҳсулотнинг қотиш ҳароратини "минус" -15 ° дан юқори бўлмаган ҳароратгача пасайтирадиган депрессор қўшимчасини (присадкасини) маҳаллий хомашёлардан ишлаб чиқариш технологиясини яратиш" мавзусидаги фундаментал ва амалий лойиҳалар доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади поливинилхлорид асосидаги полимер материалларнинг хоссаларини яхшилаш учун маҳаллий ишлаб чиқариш чиқиндилари ва ўсимлик хомашёларида экологик тоза органик қўшимчалар олиш технологиясини ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

иккиламчи полиэтилтерепталат ва қўрғошин ацетат асосида металл-органик стабилизатор синтез қилиш;

олинган стабилизаторнинг физик-кимёвий хоссаларини аниқлаш;

синтез қилинган стабилизаторнинг ПВХ асосида олинган полимер материаллар хусусиятларига таъсирини тадқиқ қилиш;

қуйи молекуляр полиэтиленни хлорлаш ёрдамида пластификатор синтез қилиш;

ўсимлик хом ашёси асосида пластификатор синтез қилиш;

олинган пластификаторларнинг физик-кимёвий хоссаларини аниқлаш;

металл-органик стабилизатор олиш, шунингдек, қуйи молекуляр полиэтилен ва ўсимлик хомашёси асосида пластификаторлар олиш технологиясини ишлаб чиқиш ҳамда техник-иқтисодий асослаш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида "НАВОИАЗОТ" корхонасида ишлаб чиқарилган ПВХ, стабилизатор сифатида ишлатиладиган фталатлар, қўрғошин ацетат, кастор мойи, глицерин, Шўртан газ кимё мажмуаси чиқиндилари – қуйи молекуляр полиэтилен, диметилтерепталат олинган.

Тадқиқотнинг предмети қайта ишланган полимер хомашёси асосида ПВХ учун органик, экологик тоза қўшимчаларни олиш усуллари, синтезланган қўшимчаларнинг ПВХ композициялари хусусиятларига таъсирини ўрганиш ва уларни ишлаб чиқариш технологиясини ишлаб чиқиш ҳисобланади.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертация ишини бажаришда кимёвий кинетиканинг экспериментал усуллари, ИҚ спектроскопияси, дериватографик таҳлил, физик-механик хусусиятларни таҳлил қилишдан, шунингдек, сканерлаш электрон микроскопия (СЕМ) усулларида фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

иккиламчи полиэтилтерепталат ва қўрғошин ацетат асосида асосида ПВХ учун металл–органик термостабилизатор синтез қилинган;

металл-органик термостабилизаторни синтез қилишда қўрғошин ацетатнинг сувдаги 23% эритмаси ва терептал кислотанинг натрийли

тузининг 30% эритмаси ёрдамида маҳсулот унуми 84,5% ни ташкил этиши аниқланган;

кастор ёғи ва глицериннинг асосида пластификатор олишда мақбул шароит сифатида дастлабки моддалар моль нисбати 1:1, реакция вақти 6 соат ва 190⁰С ҳароратда маҳсулот унуми 90% гача эканлиги аниқланган;

қуйи молекуляр полиэтилен асосида янги пластификаторни синтез қилинган ва физик-кимёвий хоссалари аниқланган;

қайта ишланган полимер хом ашёси асосида металл-органик стабилизатор, қуйи молекуляр полиэтилен асосида, шунингдек, кастор ёғи асосида пластификатор олиш технологияси ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

олиб борилган тадқиқотлар туфайли қайта ишланган полимер хом ашёси асосида ПВХ композицияларида ишлатиладиган стабилизаторлар ассортиментини кенгайтириш имконияти яратилган;

пластификатор сифатида ўсимлик хом ашёсидан фойдаланиши билан ПВХ композициялар учун экологик зарарсиз қўшимча олинган;

чиқинди бўлиб ҳисобланадиган ҚМПЭ асосида ПВХ композициялари учун пластификаторлар олинган;

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги олинган моддаларни ИҚ-спектроскопия ва дериватографик таҳлил, сканерлаш электрон микроскопияси (СЕМ), синтез қилинган моддаларнинг физик-механик хусусиятларини ўрганиш, шунингдек ушбу тадқиқотларда ишлатиладиган ускуналар, замонавийлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.

Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти ПВХ композициялари учун янги юқори самарали органик қўшимчалар яратиш, шунингдек, хом ашё сифатида иккиламчи полимер ва экологик тоза маҳсулотлардан фойдаланиш билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундан иборатки, тадқиқотлар термобарқарорлаштирувчи хусусиятларга эга бўлган металл сақлаган ПВХ қўшимчаларини, шунингдек ҚМПЭ ва кастор мойи асосида пластификаторлар ишлаб чиқариш учун бир қатор янги энергия тежовчи, экологик ҳавфсиз технологияларни яратишга хизмат қилади.

Тадқиқот натижаларини жорий қилиниши. Органик қўшимчаларни синтез қилиш натижасида олинган илмий маълумотлар асосида:

иккиламчи полиэтилентерефталат ва кўрғошин ацетат асосида ПВХ учун термик стабилизатор, шунингдек, кастор мойи ҳамда қуйи молекуляр полиэтилен асосида пластификаторлар олиш технологияси “Муборак газни қайта ишлаш заводи” АЖнинг “2022-2025 йилларда амалиётга жорий этиш бўйича истиқболли ишланмалар рўйхати”га киритилган (“Муборак газни қайта ишлаш заводи” АЖнинг 2022 йил 8 майдаги 952/Г’К-08-сон маълумотномаси). Натижада, юқори сифатли, юмшоқ, эластик ПВХ материаллар олишга имкон беради;

ишлаб чиқилган термик стабилизатор ва пластификаторлардан фойдаланиб ПВХ асосидаги полимер материаллар олиш технологияси

“Муборак газни қайта ишлаш заводи” АЖнинг “2022-2025 йилларда амалиётга жорий этиш бўйича истиқболли ишланмалар рўйхати”га киритилган (“Муборак газни қайта ишлаш заводи” АЖнинг 2022 йил 8 майдаги 952/G’К-08-сон маълумотномаси). Натижада, олинган ПВХ асосидаги полимер материаллардан металл конструкциялар учун коррозияга қарши термик барқарор қопламалар сифатида фойдаланиш имконини беради.

Тадқиқот натижаларини апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 4 та халқаро ва 2 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларнинг эълон қилиниши. Диссертация материаллари асосида 15 та илмий нашр, жумладан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси томонидан тавсия этилган илмий журналларда 9 та илмий мақола, шулардан 3 таси республика, 6 таси хорижий журналларда чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, тўрт боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертация ҳажми 111 бет.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Киришда тадқиқот мавзусининг долзарблиги ва муаммолилиги асосланади. Мақсад ва вазифаларнинг тавсифлари, тадқиқот объекти ва предметининг хусусиятлари, тадқиқотнинг Ўзбекистон Республикаси фан ва техникасини ривожлантиришнинг устувор ва инновацион йўналишларига мувофиқлиги тадқиқот усуллари, муаммонинг ўрганилганлик даражаси, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва уни таҳлил қилиш, олинган натижаларнинг ишончлилиги, уларнинг назарий ва амалий аҳамияти, тадқиқот натижаларини амалиётга татбиқ этиш, ўрганиш давомидаги апробациянинг ижобий баҳолари ҳақида маълумотлар берилган, тадқиқот натижаларини эълон қилиш, шунингдек диссертация ҳажми ва тузилиши тўғрисидаги маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **“Республика ва хорижда турли саноат тармоқларида ПВХ композициялари учун қўлланиладиган органик қўшимчаларнинг ҳозирги ҳолати”** деб номланган биринчи бобида танланган мавзу йўналиши бўйича адабиётлар таҳлили берилган. Хусусан, жаҳонда полимер саноати ривожланишининг ушбу тенденциялари, ҳар хил турдаги ПВХ композициялари учун органик қўшимчаларнинг таснифи ва умумий тавсифлари келтирилган, ПВХ композициялари учун тўлдирувчи моддаларини олиш учун хом ашё ва усуллар ўрганилган, турли композицияларда қўлланиладиган органик қўшимчаларни олиш усуллари таҳлил қилинган, шунингдек органик қўшимчалар ишлаб чиқариш учун хомашё таҳлили берилган.

ПВХ композициялари учун органик қўшимчаларни ишлаб чиқиш бўйича илмий адабиётларни танлашга кўра қуйидаги хулосаларга келиш мумкин: юқорида келтирилган усуллар кўп энергия талаб қиладиган ва кўп миқдорда вақт сарф бўлишини талаб қилади, шунингдек бир қатор

камчиликларга эга, мисол учун қўшимча маҳсулотлар чиқиши, бу эса ўз навбатида охириги маҳсулотни тозалашга қўшимча сарфларни назарда тутди; чиқиндилар мавжудлиги ишлаб чиқаришнинг иқтисодий кўрсаткичлари билан боғлиқ ва ҳ.к. Илмий адабиётлар таҳлили натижасида диссертация ишининг мақсад ва вазифалари аниқланган.

Диссертациянинг “Тадқиқот объектларнинг физик-кимёвий хоссалари, ишлаб чиқариш ва тадқиқ қилиш усуллари” деб номланган иккинчи бобида илмий ишда қўлланиладиган материаллар тавсифлари ва уларнинг асосий кўрсаткичлари келтирилган. Бундан ташқари ушбу бобда ПВХ композициялари учун қўшимчалар синтези усуллари келтирилган термостабилизатор – қўрғошин фталат, кастор ёғи асосида, ҳамда ҚМПЭ асосида пластификаторларни олиш бўйича асосий формулалар ва ишнинг методикалари келтирилган.


Бобни умумийлаштириб, қатъий мақсадли бўлиб ва аниқ мақсадда ишлатиладиган, ПВХ композицияларнинг сифатига бир меъёردа ҳам стабилизаторлар ҳам пластификаторлар юқори таъсир этади деб хулоса қилиш мумкин.

Диссертациянинг “Тадқиқотнинг объект ва методларнинг тавсифи, намуналарни тайёрлаш технологияси” деб номланган учинчи бобида куйидаги вазифаларни ечиш режалаштирилган:

Иккиламчи полимер маҳсулотлар асосида ПВХ учун металлсақлаган органик стабилизатор синтези

Муаммонинг экологик ечиш мақсадида, иккиламчи ПЭТ дан терефтал кислотасининг ди-натрийли тузи олинди.


ПВХ дан композициялар учун металлсақлаган бирикмалар асосида стабилизатор синтез қилиш мақсадида, терефтал кислотасининг ди-натрийли тузи қўлланилган. Ушбу маҳсулот иккиламчи ПЭТ нинг деструкцияси йўли орқали олинган. Бунинг учун 3-5 мм² ўлчамгача парчалар шаклида майдаланган иккиламчи ПЭТ, уювчи натрий иштирокида 140°C ҳароратда қиздирилади. Аралашма юзасида ҳосил бўладиган қалин кўпик, деструкция жараёни бошланишига далил бўлади.



Металл ацетатининг сувли эритмасини терефтал кислотасининг ди-натрийли тузи эритмасига қўшилганда металл тузининг ёрқин ифодаланган чўкиши кечади.


Кейинги жараёнларда терефтал кислотасининг қўрғошин тузи вакуум насос ёрдамида филтрланади. Филтрат биринчи холатдек бир неча маротаба дисстиланган сув билан ювилади.

Олинган стабилизатор АС-1 композицияга бевосита иситишдан олдин киритилган эди. Композиция аралашмасини қиздиришнинг оптимал ҳарорати 170-200°C ни ташкил этди, бунда аралашма жадал ва тўхтовсиз




аралштирилиб туриши керак. Стабилизатор миқдори 15% гача етиши мумкин, лекин одатда композиция миқдоридан 0,2-3% ишлатилади.

Жараён параметрларини сақланмаган ҳолда, ранги, ташки кўриниши, эгилувчанлиги ва ҳ.к. ўзгаришида намоён бўладиган, маҳсулотнинг сифатини кескин пасайиши кузатилади. Кейинликча, олинган моддаларнинг туркиби ва тузилишини ўрганиш мақсадида, қуйида келтирилган ИҚ- спектроскопия таҳлиллари ўтказилди.



1-Расм.- Олинган металлсақлаган стабилизаторнинг ИҚ- спектр ютилиши




2-Расм. Металлсақлаган стабилизаторни қўллаган ҳолда олинган №1 намунанинг ИҚ-спектр юттилиши (0,1% , Доф: ПВХ- 2:1)


Металлсақлаган термостабилизаторнинг ИҚ-спектр (1,2-расмлар) ютилиш чизиғи $3978,69 \text{ см}^{-1}$ майдонида $-\text{NH}-$ боғлар гуруҳлари валентлиги ва $3789,31 \text{ см}^{-1}$ майдонида $-\text{OH}-$ боғлар гуруҳлари валентлигини кўратиб турибди, шунингдек $2689,15 \text{ см}^{-1}$ майдонда $-\text{CH}_2-$ гуруҳлар.

Намуналарнинг (3,4- расмлар) ИҚ-спектрларидан кўриниб турибдики, №3 намунага нисбатан (стабилизаторсиз намуна) №1 ва №2 намуналар (стабилизатор АС-1 қўлланган ҳолда) кескин фарқлар мавжуд эмас ва пикларнинг кескин силжиши кузатилмади, бундан хулоса қилиш мумкин ки, металлсақлаган стабилизатор №1 ва №2 намуналарга салбий таъсир кўрсатмайди.

Иккиламчи полиэтилентерефталат асосида синтез қилинган металлорганик стабилизатор бўйича тадқиқотлар натижалари 1- жадвалда келтирилган.



3-Расм. Металлсақлаган стабилизаторни қўллаган ҳолда олинган №2 намунанинг ИҚ-спектр юттилиши (0,1% , Доф: ПВХ- 3:1)



4-Расм. Металлсақлаган стабилизаторни қўлланмаган ҳолда олинган №3 намунанинг ИҚ-спектр юттилиши (0,1% , Доф: ПВХ- 2:1)

1- жадвал


Иккиламчи полиэтилентерефталат асосида синтез қилинган металлорганик стабилизатор бўйича тадқиқотлар натижалари

Таж риба №	Хом ашё	Сарф, гр	Хом ашё	Сарф, мл	Маҳсулот чиқиши, %
1	Қўрғошин ацетатнинг 23% сувли эритмаси	150	Терефтал кислотасининг ди-натрийли тузи (30% сувли эритмаси)	150	84,5
2	Қўрғошин ацетатнинг 25% сувли эритмаси	170	Терефтал кислотасининг ди-натрийли тузи (30% сувли эритмаси)	150	73,7
3	Қўрғошин ацетатнинг 28% сувли эритмаси	200	Терефтал кислотасининг ди-натрийли тузи (30% сувли эритмаси)	150	60,9


1 - жадвалдан кўришиб турибдики, терефтал кислотасининг қўрғошин тузини олишда қулай варианты, унинг сувда 23% эритмасини қўллашдир.

Намуларнинг дифференциал-термик ва термогравиметрик таҳлиллари графиклари DTG-60 русумли SHIMADZU синхрон термоанализаторда олинган.

№1 намунанинг ТГА графикадан (5-расмда кўк рангда), аниқ кўришиб турибдики, намунанинг апсосий ўзгаришлари таҳлилнинг 16 минутига тўғри келади, бу ерда 242,6° ҳароратдан бошлаб намунанинг кескин масса йўқотиши кузатилади – 15,8 минут оралиғида намунанинг 89,2%, бу намунанинг умумий оғирлигининг 7,03 мгр тўғри келади. Таҳлилнинг 321 минутига мувофиқ бўлган 350° ҳароратдан бошлаб, намуна массасини йўқотиши анча барқарор кечишни бошлайди, яъни 25,5 минут оралиғида 6,4%, бу эса қолган намуна умумий оғирлигининг 0,5 гр мувофиқ.



5-расм. Металлсақлаган стабилизаторни қўллаган ҳолда олинган ПВХ композицияси №1 намунанинг термик деструкцияга боғлиқлик графиги (АС-1- 0,1%; Доф:ПХ- 2:1)



6-расм. Металлсақлаган стабилизаторни қўллаган ҳолда олинган ПВХ композицияси №2 намунанинг термик деструкцияга боғлиқлик графиги (АС-1- 0,1%; Доф:ПХ- 3:1)


6- расмга кўра №2 намунанинг ўзгаришлари 17,7 минутдан бошланади, бунда намунанинг массаси йўқолиши 235,46□ ҳароратдан бошланади. Аҳамиятли йўқотишлар 250□ ҳароратдан бошланади, бунда №2 намуна 14 минутни ичида массасидан кескин 88% га яқин миқдорини йўқотади, бу олинган намунанинг умумий оғирлигидан 14,75 гр ташкил этади. 460□ ҳароратдан бошлаб масса йўқотиш анча барқарорлашади.

№1 (5-расм.) ва №2 (6-расм.) намуналарининг ТГ таҳлилларини солиштирганда, деярли фарқлар кузатилмади, лекин №2 намуна вақтнинг охириги бўлагидида масса йўқотиши №1 намунага нисбатан ўша пайтдаги масса йўқотиши кўпроқ.


№3 намунанинг (стабилизаторсиз композиция) 7- расмдаги ТГ таҳлилида ўзгаришлар 16,7 минутидан бошланади, бунда №3 намунанинг маса йўқотиши 222,0□ ҳароратдан бошланади. Йўқотишларнинг аҳамиятлилари 230□ ҳароратда кузатилади, бунда №3 намуна умумий оғирлигидан 14 минут ичида кескин тахминан 88% массасини йўқотади, бу умумий оғирликдан 11,14 мг мувофиқ келади. 340□ ҳароратдан бошлаб таҳлил қилинадиган №3 намунанинг масса йўқотиши анча барқарорлашади, яъни 25 минут ичида намунанинг қолган умумий оғирликдан 76% йўқотилади.

Хулоса қилиб айтганда олинган №3 намуна (стабилизаторсиз) термик барқарорлиги фақатгина 230□ гача чидайди, унга нисбатан олинган термостабилизатор қўлланган №1 ва №2 композиция намуналари 240°C ҳароратгача чидаб беради.

ТГ таҳлилларнинг натижаларига кўра, хулоса қилиш мумкинки, термостабилизатор ишлатилмаган ПВХ композициядан олинган №3 намуна берилган ҳароратга чидамлилиги ПВХ композициясида термостабилизатор ишлатилган №1 ва №2 намуналарга нисбатан анча паст.



7-расм. Металлсақлаган стабилизаторни қўлланмаган ҳолда олинган ПВХ композицияси №3 намунанинг термик деструкцияга боғлиқлик графиги (Доф: ПВХ- 2:1)



8-расм. ПВХ композицияларнинг берилган кучга нисбатан чўзилишнинг боғлиқлик графиги

Тажриба синовлар учун стандарт симетрик “лопатка” шаклида олинган ПВХ композицияларнинг намуналари SHIMADZU AGS-X чўзиш машинасида доимий тезликда чўзилди. Чўзилиш ва унинг кучи узлуксиз чўзилиш жараёнида намунани бузилишгача бўлган миқдорлари компьютер орқали назорат қилинади. Тажриба синов давомида АС-1 қўлланилган ва қўлланилмаган ҳолда олинган ПВХ композицияларнинг намуналарининг эгилювчан-муштаҳкамлик хоссалари аниқланди.

Тажриба синовлар учун АС-1 қўлланилган ва қўлланилмаган ҳолатдаги ПВХ композициялар ҳар биридан учтадан олинди, ва уч маротаба синовдан ўтказилди.

8- расмдан кўришиб тургандек таркибида АС-1 қўшимча мавжуд бўлмаган намуналар (8-расмда қизил, бинафша ва кўк рангда) максимал чўзилишнинг паст кўрсаткичларига ва эгилювчанлик модулининг юқори кўрсаткичларига эга. АС-1 қўшимча ишлатилган намуналар эса (8 –расмда тўқ қизил, яшил, ва тўқ яшилрангда) бир тартиб юқори кўрсаткичларга эга. Ўтказилган тажриба-синовлар бўйича кўрсаткичлар 2- жадвалда киритилган. 2-жадвалдан кўришиб турибдики, АС-1 қўшимча ишлатилган ПВХ композицияларнинг намунали қўшимчасиз намуналарга кўра, юқорирок сифат кўрсаткичларига эга.

Олинган намуналарни янада чуқурроқ таҳлил қилиш мақсадида электрон микроскопия усулидан фойдаланилди.

АС-1 қўшилган ва қўшилмаган ПВХ композициялар намуналар INCA Energy 350 энергодисперс микротаҳлил тизимига эга бўлган MIRA 2 LMU электрон микроскопида таҳлил қилинди. Микроскопнинг аналитик ҳажми 1 нм га тенг INCA Energy детекторнинг сезилувчанлиги 133 эВ / 10 мм² ташкил этади, бу эса бериллийдан плутонийгача бўлган элементларни таҳлил қилишга имкон беради. Сканерловчи электрон микроскоп ёрдамида таҳлиллар юқори вакуумда олиб борилади. Кимёвий элементларнинг


микротаҳлили худди ўша қурилмада ўтказилди ва турли майдонларда кучланиш 20 кэВ ва токи 1 нА бўлганда тадқиқ этилди.

2 – жадвал

АС-1 ва уни қўллашсиз ПВХ композициялари намуналарининг чўзилиш машинасидаги тажрибалар кўрсаткичлари

Намуна нинг тури	Чизма аги намуна рақами	Номлан иши	Макс куч	Эгилув чанелик модули	Макс чўзили ш	Юк 1 – куч	Чўзил иш	Чўзил иш
		Параме трлар	Ҳисоб лашлар	сезувча нлик :10	Куч 10- 20 Н	Ҳисобл ашлар	Куч 1Н	Куч 1Н
		Ед изм.	Н	Н	Н/мм ²	мм	Мм	Мм
АС-1 қўшилм аган	1	1-1	33,071	1,121	100,569	0,168	5,315	5,315
	2	1-2	28,345	1,14.9	105,863	0,123	4,967	4,967
	3	1-3	32,121	0,855	101,076	0,143	5,434	5,434
АС-1 қўшилга н	4	2-1	35,258	0,733	120,366	0,230	9,952	9,952
	5	2-2	35,070	0,653	112,910	0,229	6,133	6,133
	6	2-3	35,740	0,716	129,726	0,220	5,852	5,852

Сканерловчи электрон микроскоп суратларидан (9,10-расмлар) кўришиб турибдики, АС-1 стабилизатордан фойдаланилган ва фойланилмаган ПВХ композицияларнинг намуналари битр биридан ғадир-будирлик ва ғоваклик билан кескин фарқ қилябди.



9- расм. Металлсақлаган стабилизаторни қўлланмаган ҳолда олинган ПВХ композицияси №3 намунанинг расми





Рис. 10. Металлсақлаган стабилизаторни қўллаган ҳолда олинган ПВХ композициясининг 500 марта катталаштирилган расми


Бундан ҳулоса қилиб айтиш мумкинки АС-1 термостабилизатор ишлатилган ПВХ композициянинг намуналари нафақат термик барқарорлиги балким механик хусусиятлари билан ҳам ютади. Яъни намуналарнинг ошган ғоваклиги, улранинг эгилувчанлигини оширишга имкон беради.

Олинган стабилизатор муаммонинг ҳам экологик ҳам иқтисодий томонларини ечишга имкон беради. Қўрғошин фталат терефтал кислотасининг динатрийли тузидан олинган, уса ўз навбатида иккиламчи ПЭТ ни гидролизи орқали олинган.

гуруҳларнинг алмашилиши кузатилади. Бу ерда: R_1 – рицинол кислотаси; R_2 – линол кислотаси; R_3 – олеин кислотаси.




13-расм. Кастор ёғининг ИК-спектри




14-расм. Кастор ёғи ва глицерин билан олинган мураккаб эфирнинг ИК – спектри


Олинган намуналарнинг термик мустаҳкамлигини текширишга таҳлиллар ўтказилди, ҳамда дифференциал-термик ва термогравиметрик таҳлилларнинг графиклари олинди. ТГА графикдан кўришиб турибдики (16 расм) кастор ёғи асосида олинган пластификатор ишлатилган ПВХ композицияси намунаси 250° ҳароратдан юқори ҳароратга мустаҳкам, шундан сўнг эса асосий ўзгаришлар, яъни намунанинг кескин массада йўқотишлари бошланади. 395° ҳароратдан бошлаб намунанинг массасини йўқотиши барқарорлашади, бу таҳлилнинг 53 минутига тўғри келади.




15- расм. Кастор ёғи асосида мураккаб эфирни ДМТФ билан ишлов берилгандан сўнг ҳосил бўлган пластификаторнинг ИК-спектри



16-расм. Кастор ёғи асосида олинган пластификаторнинг ТГТ графиги




17- расм. Кастор ёғи асосида синтез қилинган пластификатори кўшилмаган ҳолда ПВХ композиция намунасининг расми.



18- расм. Кастор ёғи асосида синтез қилинган пластификатор кўшилган ҳолда олинган ПВХ композиция намунасининг расми

Электрон микроскопнинг суратларидан (17,18-расм) кўришиб турибдики, синтез қилинган ўсимлик ёғи асосида палстификатор кўлланилган ПВХ композициянинг сирти силлиқлиги билан ажарлиб турибди. Бу ҳолат юқори зичлик мустаҳкамлик ва маҳсултларнинг сифатини таъминланишига далолат бериши мумкин. Қуйида олинган намуналарнинг элемент анализлари келтирилган.

Синтез қилинган пластификатор кўллаган ПВХ композициянинг намунасида килород боғлар, хлор мавжудлиги ва оз миқдорда кремнийли бирикмаларнинг мавжудлигини кузатиб биламиз, бу эса кастор ёғидаги кислоталар учун табиий ҳол.





Элем ент	Вес.%	Сигма Вес.%
C	74.00	0.42
O	10.16	0.36
Si	0.14	0.03
Cl	15.70	0.23
Σ:	100.00	

19- расм. Кастор ёғи асосида олинган пластификатор кўшилган ҳолдаги ПВХ композицияси намунасининг


Шўртан ГКМ нинг чиқиндилари ҚМПЭ асосида пластификатор синтези

Ажратилган қуйи молекулали полиэтилен сарғиш рангда бўлади ва эритувчиларнинг қолдиқ миқдорига эга бўлиши мумкин. Шунинг учун уни кейинги ишлатилиши учун қўшимча ишқорли эритмада тозалаш керак бўлади.

Қолган тажрибаларда ҚМПЭ нинг толуолдаги эритмасининг % миқдори алмаштирилиб худди шу тарзда ўтказилади. ҚМПЭ нинг хлорлаш жараёни куйидаги реакция бўйича кечади:




20-расм. ҚМПЭни хлорлашда ҳосил бўлган маҳсулотнинг ИК-спектри



21-расм. Хлорланган ҚМПЭ ни ДМТФ билан ишлов беришдан сўнг модданинг ИК-спектри


Ҳосил бўлган маҳсулотга пластификациялаш хоссаларини бериш учун, унга диметилтерефталат билан ишлов берилади




ПВХ композициялари учун органик қўшимчалар ишлаб чиқаришнинг иқтисодий самарадорлигини ҳисоблаш деб номланган тўртинчи бобда ПВХ композициялари учун органик қўшимчалар ишлаб чиқаришнинг иқтисодий самарадорлиги бўйича ҳисоблашлар келтирилган, ҳамда қўшимчалар ишлаб чиқариш бўйича технологик схемалар тавсия этилган.

22- расм бўйича - 1- Pb(CH₃COO)₃ эритмаси учун идиш, 2- терефтал кислотасининг натрийли тузи учун идиш, 3- реактор, 4- центрифуга, 5- қуритгич.

23- расм бўйича – ҚМПЭ учун идиш, 2- толуол учун идиш, 3- реактор №1, 4- ишқор учун идиш, 5- катализатор учун идиш, 6- реактор №2, 7- реактор №3, 8- ювувчи аппарат, 9- қуритгич



22- расм. Таркибида кўрғошин сақлаган стабилизатор олиш технологик схемаси



23- расм. ҚМПЭ асосида пластификатор олиш технологик схемаси

Ўтказилган иқтисодий ҳисоб-китоблардан хулоса қилиш мумкин:

3- жадвал

Олинган АС-1 стабилизаторининг иқтисодий кўрсаткичлари

	Контроль		№1- тажриба		№2 – тажриба		Чет эл аналог, ≈	
кг	100	1	100	1	100	1	100	1
нархи, сум	6146498,8	61 465	5576624	5 698	5173386,0	51 734	5700000	57 000

ХУЛОСА

1. Синтез қилинган металл-органик термостабилизаторни ПВХ га кўшиш натижасида иккиламчи полимер маҳсулотлари асосида термик барқарор, юмшоқ, каучуксимон, таркибида металлсақлаган стабилизатор бўлган ПВХ полимер органик материаллар олинди.

2. Иккиламчи полимер маҳсулотлари асосида термостабилизатор олишнинг мақбул шароитлари аниқланди ва синтез қилинган термостабилизаторни ПВХ композициясига кўшилиши, композициянинг термобарқарорлигини 222⁰С ҳароратдан 242,6⁰С ҳароратгача ортиши ва термик барқарорлик 20,6⁰С га ортиши кўрсатиб берилди. Шунингдек, олинган термостабилизатор электризоляция материаллари, сунъий чарм, линолеумлар каби материалларни ишлаб чиқаришда қўлланиладиган ПВХ асосидаги полимер органик материаллар олиш учун кўшимча сифатида таклиф этилди.

3. ПВХ асосида олинган полимер органик материалларнинг физик-механик хоссалари яхшилаш учун иккиламчи терефталаат ва кўрғошин

ацетатнинг ўзаро таъсирлашишидан олинган металл-органик стабилизатор кўшиш тавсия этилди. Синтез қилинган стабилизатор кўшилмаган намуналар нисбатан паст максимал чўзилиш қийматларга ва нисбатан юқори эгилувчан модули қийматларига эга бўлиши, АС-1 кўшилган намуналарда эса бу кўрсаткичлар нисбатан юқори қийматларга эга бўлиши аниқланди.

4. ПВХ пластификатори диоктифталатни кастор мойи асосида пластификатор олишнинг мақбул шароитлари аниқланди ва токсик бўлмаган, экологик хавфсиз ПВХ композициясини олиш учун қўллашга тавсия этилди.

5. Кастор мойи асосида пластификатор ПВХ асосидаги полимер органик материаллар намуналарининг термик барқарорлиги ДОФ пластификатори кўшилган ПВХ асосидаги полимер органик материаллар намуналарига нисбатан 28 % гача ортиши исботланди.

6. Иккиламчи полиэтилентерефталат ва кўрғошин ацетат асосида полимер материаллар учун термик стабилизатор, шунингдек, кастор мойи ҳамда қуйи молекуляр полиэтилен асосида пластификаторлар олиш технологияси “Муборак газни қайта ишлаш заводи АЖ” да ПВХ асосидаги материалларнинг физик-механик хоссаларини яхшилаш учун қўшимчалар олишда қўлланилди ва олинган ПВХ асосидаги полимер материаллардан металл конструкциялар учун коррозияга қарши термик барқарор қопламалар сифатида фойдаланиш тавсия этилди.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.03/31.01.2023.К/Т.78.01 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ
УЧЕННОЙ СТЕПЕНИ ПРИ ТЕРМЕЗСКОМ ГОСУДАРСТВЕННОМ
УНИВЕРСИТЕТЕ**

БУХАРСКИЙ ИНЖЕНЕРНО-ТЕХНОЛОГИЧЕСКИЙ ИНСТИТУТ

НАРЗУЛЛАЕВА АЗИЗА МУРОДИЛЛАЕВНА

**РАЗРАБОТКА ТЕХНОЛОГИИ ПРОИЗВОДСТВА
ЭФФЕКТИВНЫХ ОРГАНИЧЕСКИХ ДОБАВОК ДЛЯ ПВХ НА
ОСНОВЕ МЕСТНЫХ СЫРЬЕВЫХ РЕСУРСОВ**

02.00.14 - Органические вещества и технология материалов на их основе

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОР ФИЛОСОФИИ (PHD)
ТЕХНИЧЕСКИХ НАУК**

Термез – 2023

Диссертация доктора философии (PhD) по техническим наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан под номером B2022.3.PhD/T3031.

Диссертация выполнена в Бухарском инженерно-технологическом институте.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещён на веб-странице научного совета www.tersu.uz и на информационно-образовательном портале «Zionet» по адресу www.ziyonet.uz.

Научный руководитель:

Каримов Масуд Убайдулла угли
доктор технических наук, профессор

Официальные оппоненты:

Тожиев Панжи Жовлиевич
доктор технических наук, доцент

Лутфуллаев Саъдулла Шукурович
кандидат технических наук, доцент

Ведущая организация:

Навоийский государственный горно-технологический университет

Защита диссертации состоится “___” _____ 2023 г. в “_____” часов на заседании Ученого совета DSc.03/31.01.2023.K/T.78.01 при Термезском государственном университете по адресу: 190111, Сурхандарьинская область, г. Термез, ул. Баркамол авлод, 43, Тел.: (+99876)221-74-55, факс: (+99876)221-71-17, e-mail: termizdu@umail.uz)

Диссертация зарегистрирована в Информационно-ресурсном центре в Термезском государственном университете за №___ с которой можно ознакомиться в ИРЦ (190111, Сурхандарьинская область, г. Термез, ул. Баркамол авлод, 43. Тел.: (+99876) 221-74-55, факс: (+99876)221-71-17, e-mail: termizdu@umail.uz).

Автореферат диссертации разослан «___» _____ 2023 года.

(Протокол рассылки № ___ от «___» _____ 2023 года).

И.А. Умбаров

Председатель научного совета
по присуждению ученой степени, д.т.н., доц.

Ш.А. Касимов

Ученый секретарь научного совета
по присуждению ученой степени, д.х.н., доц.

Р.В.Аликулов

Председатель научного семинара
при научном совете по присуждению
ученой степени, д.х.н., доц.

ВВЕДЕНИЕ (Аннотация диссертации доктора философии (PhD) технических наук)

Актуальность и востребованность темы диссертации. В настоящее время из полимерного (поливинилхлорид (ПВХ), синтетические каучуки, полиамиды, полиакрилаты, полиуретаны и др.) сырья с различным химическим строением и свойствами изготавливают самые разнообразные покрывающие материалы. Поливинилхлорид является термопластичным полимером, и путем добавления к нему различных добавок можно получать прочные полимерные материалы с важными физико-механическими свойствами. Соответственно, большое значение имеет добавление в поливинилхлорид различных стабилизаторов и пластификаторов для получения качественных, дешевых и высокоэффективных, мягких и эластичных полимерных материалов покрытий на уровне мировых стандартов.

На сегодняшний день в мире ведутся научные исследования по созданию экологически чистых добавок для производства полимерных органических материалов на основе поливинилхлорида. В связи с этим, особое внимание уделяется использованию экологически чистого природного сырья в определенных производствах, разработке ресурсосберегающих технологий получения добавок, используемых в производстве полимерных органических материалов на основе поливинилхлорида из природного сырья, высокоэффективных, экологически чистых материалов, отвечающих постоянно растущим требованиям потребителей, в частности высококачественных стабилизаторов и пластификаторов основе растительного сырья.

В нашей стране химическая промышленность достигла определенных результатов в направлении производства новых видов материалов, в том числе провела масштабную серию мероприятий в области снабжения местного рынка химическими реагентами, замещающими импорт. Следует отметить, что в нашей республике большое внимание уделяется внедрению научно обоснованной системы управления промышленными объектами и природоохранных мероприятий за счет применения инновационных технологий. В стратегии развития Нового Узбекистана на 2022-2026 годы² определены приоритетные направления развития экономики и вопросы дальнейшего ускорения производства готовой продукции с высокой добавленной стоимостью, отдельно подчёркиваются изменения видов качественно новой продукции и технологий, основанных на глубокой переработке местных сырьевых ресурсов. В связи с этим актуальным является проведение исследований по использованию экологически чистых добавок к поливинилхлоридным материалам, в том числе местного

¹ Указ Президента Республики Узбекистан, от 28.01.2022 г. № УП-60 «О стратегии развития нового Узбекистана на 2022 — 2026 годы», <https://lex.uz/ru/docs/5841077>

вторичного полимерного сырья, растительного сырья, местного сырья нефтегазодобычи.

Данное диссертационное исследование в определённой степени служит выполнению поставленных задач, предусмотренных в Указе № ПФ-60 Президента Республики Узбекистан от 28 января 2022 года «О Стратегии развития Нового Узбекистана на 2022-2026 годы», Указе Президента Республики Узбекистан от 13 февраля 2021 года «Дальнейшее реформирование и финансовое оздоровление предприятий химической промышленности, ПП №PQ-4992 «О мерах по развитию производства химической продукции с добавленной стоимостью» Указе Президента Республики Узбекистан от 25 октября 2018 года №PQ-3983 «О мерах по опережающему развитию химической промышленности Республики Узбекистан», Постановлении Президента Республики от 3 апреля 2019 года №PQ-4265 «О мерах по дальнейшему реформированию химической промышленности и увеличению ее инвестиций привлекательности», в том числе и других нормативно-правовых актов, утвержденных в этой области.

Соответствие исследования основным приоритетным направлениям развития науки и технологий Республики. Диссертационное исследование выполнено в соответствии с приоритетным направлением развития науки и технологий Республики Узбекистан VII «Химическая технология и нанотехнология»

Степень изученности проблемы. Научно-исследовательские работы по производству добавок для получения полимерных органических материалов на основе поливинилхлорида из различного сырья были проведены учёными В.С. Ашиным, д.т.н., проф. А.В. Марковым, А.Ю. Александровым, д.х.н. Е.Л. Красных, Р.В. Кожевниковым, д.т.н., профессор Е. В. Готлиб, а также такими учёными как А. Килячков, Р.Ф. Нафикова, В.В. Гузеев, К.С. Минскер, Q Zhou, C. Tang, Y. Z. Wang, B. Ivan, T. Kelen, F. Gugumus, C. Decker, A.A. Yassin, J. Wypych, R. P. Lattimer, W. J. Kroenke, W. H. Starnes, L. D. Wescott, D.W. Hurley, W. L. Semon, E.W. Michel, Ч. Уилки, Дж Саммерс, Ч. Даниэлле, С.Н. Лакеев, Т.М. Абалихина, С.П. Сафронов, С.Н. Потепалова, А.А. Кругликов, А.К. Мазитова, G. Tranter, I.M. Steele and H. Pluth, P. Baker and R.F. Grossman, Барсамян Г., Галеев Р.Р., Маскова А.Р., Коллюлов Х., А.Т. Джалилов, Э.М. Тогаев, Х.С. Бекназаров, З.З. Мирвалиев, а также как Б. Б. Мухиддинов, И.И. Фатоев, С.Ш. Лутфуллаевым и другими.

В результате их научных исследований проблема получения органических стабилизаторов на основе вторичных полимерных продуктов, добавляемых в поливинилхлорид для улучшения физико-механических свойств полимерных органических материалов на основе поливинилхлорида, до конца не изучена, и в настоящее время требует своего решения.

